

ТЎҚ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРДА ЭРОЗИЯЛАНИШ ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИ СУВ ЭРОЗИЯСИНИ ТАЪСИРИ

Хакбердиев О.Э. – б.ф.н., доцент, ТИҚХММИ МТУ, **Игамбердиева Д.А.** – докторант, ТАТИ.

Аннотация: Ушбу мақолада лалми тўқ тусли бўз тупроқларда эрозияланиш даражалари бўйича кузги буғдой ҳосилдорлигига сув эрозиясини таъсири натижасида тупроқнинг юза қисмини емирилиша оқибатида кузги буғдой ҳосилдорлиги камайиб, унинг сифатига ҳам салбий таъсири баён этилган.

Калит сўзлар: Тўқ тусли бўз тупроқ, сув эрозияси, эрозияланиш даражаси, лалми, кузги буғдой, ҳосилдорлик, сифат.

Биоунумдорлик ёки қишлоқ хўжалик ўсимликларнинг ҳосилдорлиги, тупроқларнинг табиий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Лалми бўз тупроқларнинг унумдорлигини ўрганиш мақсадида маршрутли-экспедиция йўналиши давомида биз кузги буғдой экинини ўсиши ва ривожланиши бўйича баъзи бир фенологик кузатишлар олиб бордик. Олинган маълумотлардан шу кўринадики, эрозияланган тўқ тусли бўз тупроқларда донли экинларнинг ўсиши сустрашади, ўртача ва кучли эрозияланган тупроқларда 1000 та донни массасини камайиб, сифати ёмонлашади ва бу ҳосилдорликни кескин камайишига олиб келади. Шу борада В.Б.Гуссакнинг кўрсатишича сув эрозияси таъсирида ўсимликларнинг озикланиш тартиби ва тупроқнинг физикавий хоссаси ёмонлашади. Лалмикор деҳқончиликда танқис бўлган намлик тупроққа яхши сингмасдан оқиб кетиши натижасида унинг тупроқдаги захираси камаяди.

Кучли эрозияланган тупроққа ҳосилнинг 1 г қуруқ моддаси йиғилиши учун эрозияга учрамаган тупроққа нисбатан анча кўпроқ сув сарфланади, ваҳоланки эрозияланган тупроқларнинг сингдириш хусусияти эрозияланмаган тупроққа нисбатан анча паст. Шунинг учун қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги эрозияланган тупроқларда кескин камаяди. 1-жадвалдан кўринадики, эрозияланмаган тупроқларга нисбатан, ўртача ва кучли эрозияланган тупроқларда кузги буғдой ҳосилдорлиги 6,3-9,8 ц/га кам. Эрозияланиш даражалари бўйича фенологик кузатувлар натижасида улар ўртасидаги корелятив боғлиқликлар ҳам аниқланди. Бунда айтиш мумкинки,



Ўсимлик баландлиги ва бошоқ узунлиги, 1000 та дон оғирлиги билан ҳосилдорлик ҳамда бошоқ узунлиги билан 1000 та дон оғирлиги ўртасида ижобий корреляцияон боғлиқликлар мавжудлиги кузатилди.

1-жадвал.

“Сўқоқ” хўжалигида лалми тўқ тусли бўз тупроқларда эрозияланиш даражаси бўйича кузги буғдой ҳосилдорлиги (ўртача 3 йиллик)

Эрозияланиш даражаси	Ўсимлик баландлиги, мм	Бошоқ узунлиги, см	1000 та дон оғирлиги, гр.	Ҳосилдорлик, ц/га.	Клейковина, %
Эрозияланмаган тупроқ	86,1	9,5	38,3	17,6	32,2
Ўртача эрозияланган тупроқ	72,	7,3	28,8	11,3	25,5
Кучли эрозияланган тупроқ	57	6,1	25,1	7,8	23,3
Эрозия натижасида “йиғилиб тўпланган”	105	11,2	40,2	19,9	33,4
Корреляция коэффициенти	$R^2 = 0,9853$		$R^2 = 0,9933$		
			$R^2 = 0,9586$		

Сув эрозияси таъсирида лалми тўқ тусли бўз тупроқларнинг морфогенетик кўрсаткичлари, кимёвий таркиби, агрокимёвий ва агрофизик хоссалари анча ўзгарган.



1-диаграмма. Фенологик кузатув натижаларининг коррелятив боғлиқлиги

Гумусли қатлам А+В₁+В₂ ни камайиши билан гумус заҳираси, озика элементлар заҳираси, физик лой миқдори камаяди, структура ёмонлашади ва

сувга чидамли агрегатларнинг миқдори ва тупроқ намлиги камаяди. Эрозияланган тўқ тусли бўз тупроқларда сув-физик хоссаларини, озикали сув режимини ёмонлашиши умумий қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлиги пасайишига олиб келади, шундан ўрта ва кучли эрозияланган тупроқларда кузги буғдой ҳосилдорлиги эрозияланмаган тупроқлардагига нисбатан 25-40% га кам бўлди. Тўқ тусли бўз тупроқлар унумдорлигини ошириш учун қилинадиган ишлар тупроқ намлигини сақлаш ва эрозияни олдини олишга қаратилган бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Заславский М.Н. – Эрозияведение. М. Высшая школа, 1983г.
2. Махсудов Х.М., - Эрозия почв аридной зоны Узбекистана. “Фан” Т.,1989г
3. Хакбердиев О.Е, Djumaeva M. Eroziyaning tuproq unumdorligi va donli ekinlarga ta’siri. Тошкент. Агроилм журнали. Махсус сон. (78) 2021 й.
4. Хакбердиев О.Э. “Природные условия и характеристика эродированных почв аридной зоны”. Илмий-амалий ва инновацион журнал. Ўзбекистон замини. № 4/2019 й.
5. Хакбердиев О.Э, Шамсиддинов Т.Ш. Тупроқ деградацияси ва эрозиянинг тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига таъсири. Халқаро мустақил илмий журнал. № 13 2020 йил.

ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ФЕРМЕРЛАРБОБ, КОМБИНАЦИЯЛАШГАН, ЧОПИҚ КУЛТИВАТОР ЧУКУР-ЮМШАТКИЧ

***Худойбердиев Т.С.**-т.ф.д., профессор, **Холдаров М.Ш.** - таянч докторант, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти.

Аннотация. Барча мамлакатларда экинлардан юқори ҳосил олиш учун ресурстежамкор иш унуми юқори, бажарилаётган ишнинг сифати талаб даражасида бўлувчи қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқишга эътибор берилмоқда.

Республикамызда асосий экинлардан бири бўлган пахтанинг ҳосилдорлигини орттириш учун янги-янги технологиялар қўлланилмоқда ва шу технология асосида ишловчи фермерларбоб бўлган техникалар ишлаб чиқилмоқда. Охириги йилларда пахта етиштириш технологиясига кириб